

БЎЛАЖАК ТАРИХ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА КЛАСТЕР ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Илмуродова Феруза Шакировна, Чирчик давлат педагогика
университети “Факультетлараро ижтимоий фанлар”
кафедраси тарих фани ўқитувчиси*

THE IMPORTANCE OF THE CLUSTER SYSTEM IN PREPARING FUTURE HISTORY TEACHERS FOR PROFESSIONAL ACTIVITY

*Ilmurodova Feruza Shakirovna, Chirchik State Pedagogical
University Department of “Interfaculty Social Sciences” Teacher
of History*

ЗНАЧЕНИЕ КЛАСТЕРНОЙ СИСТЕМЫ В ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИСТОРИИ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

*Ильмуродова Феруза Шакировна, преподаватель кафедры
«Межфакультетские общественные науки» Чирчикского
государственного педагогического университета*

Аннотация: Мазкур мақоламизда кластер тизими доирасида тарих фанини ўқитиш методикаси ва бу соҳадаги ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаши масалалари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: таълим, методика, технология, илм, тарих, компетенция, кластер, фан, инновацион ёндашув, илмий-тадқиқот, виртуал реаллик, интерактив платформалар.

Abstract: This article analyzes the methodology of teaching history within the cluster system and the issues of preparing teachers in this field for professional activity.

Keywords: education, methodology, technology, science, history, competence, cluster, science, innovative approach, scientific research, virtual reality, interactive platforms.

Аннотация: В статье анализируется методика преподавания истории в кластерной системе и вопросы подготовки учителей этого направления к профессиональной деятельности.

Ключевые слова: образование, методология, технология, наука, история, компетенция, кластер, наука, инновационный подход, научные исследования, виртуальная реальность, интерактивные платформы.



<https://orcid.org/0009-0002-0811-3934>
e-mail:
feruzailmuradova26@gmail.com

KIRISH. Бугунги кундаги глобаллашув жараёнлари натижасида таълим тизимида бошқа соҳалардаги каби шиддатли ислоҳотлар жараёни кечмоқда. Хусусан мамлакатимизда ҳам таълим ислоҳотлари натижасида янги технологиялар ва ёндашувлар, жумладан кластер тизими жорий этилмоқда. Таълим муассасаларининг муваффақияти биринчи навбатда ўқитувчига боғлиқ. Унинг шахсий фазилатлари, педагогик маҳорати, ахлоқий ва интеллектуал бойлиги, педагогик муаммоларни ҳал қилишда ижодий изланишларга содиқлиги кўп жиҳатдан жамиятнинг ижтимоий етуклиги, ахлоқий саломатлиги ва маънавий бойлигини белгилайди. Шу ўринда барча соҳаларга кадр етказиб берувчи олий педагогик таълимни ислоҳ қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг кўп босқичли тайёргарлигига ўтиш ва интеллектуал меҳнат бозорида мутахассисларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш шароитида бўлажак ўқитувчиларни касбий ўқитишга тайёрлаш муаммоси айниқса долзарб бўлиб бормоқда[1].

Юртимизда ўқитиш тизими замонавий дунёдаги яхши тизимлардан бири сифатида тан олинган. Бунга касбий фаолиятни шакллантириш жараёнининг технологик йўналиши кучли таъсир кўрсатади, унинг асосий мазмуни тайёр билимларни, уни амалга ошириш учун ишлаб чиқишидир.

Кластер тизими таълим-ilm-fan-iшлаб чиқариш интеграциясини таъминлаб, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу боис, тарих ўқитувчиларини касбий тайёрлаш жараёнида бу тизимдан самарали фойдаланишнинг аҳамиятини ўрганиш аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ. Маҳаллий тадқиқотчилардан **Махмудов** Ўзбекистонда таълим тизимида кластерлаштириш масалаларини ўрганиб, уларни миллий таълим моделига мослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқсан бўлса, **Н.Жумаев** таълимда инновацион технологиялар ва кластер ёндашувининг педагогик имкониятларини ўрганганди.

Хорижий олимлардан **М.Порттер** кластер концепциясининг асосчиларидан бири, у

иқтисодиётда кластер тизимининг афзалликлари ҳақида фундаментал тадқиқотлар олиб борган[2].

МДҲ тадқиқотчиларидан С.Кузнецов кластер тизимида таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича ; **В.Г.Кременюк** эса таълим ва фан интеграциясида кластер моделини жорий этиш самарадорлигини таҳлил қиласида. Касбий ўқитувчиларни тайёрлаш соҳасида Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, А.И.Шчербако, педагогик фаолиятнинг моҳияти ва тузилиши Д.М.Гришин, К.М.Левитан, Н.А.Половникова, Т.С.Полякова ва бошқалар изланишлари дикқатга сазовордир[2; 3].

МИНОКАМА. Ҳакли савол туғилади. Хўш, дастлаб иқтисодиёт соҳасида қўлланилган ва самарали натижа берган кластер тизими таълим соҳасида қандай натижа бериши мумкин? Кластер тизимининг афзаллиги шундаки, у таълим жараёнининг барча иштирокчилари – олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, амалиётчилар ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорликни таъминлайди. Бу эса таълим сифатини яхшилайди. Шу ўринда тарих ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда қўйидаги жиҳатлар кластер тизимининг афзалликларини намоён этади:

1. Интеграциялашган ёндашув. Бунда тарих ўқитувчиларига таълим бериш жараёнида академик билимлар, методик қўнимкалар ва замонавий технологиялар ўзаро интеграция қилинган ҳолда ўқитилади. Интеграциялашган ёндашув таълим жараёнининг барча бўғинларини бирлаштириб, назария ва амалиётни уйғунлаштиришни назарда тутади. Бунда олий таълим муассасалари, илмий марказлар ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилади.

2. **Инновацион ёндашув** жараёнида дарс замонавий таълим технологиялари, шу жумладан, виртуал реаллик, интерактив платформалар ва мультимедиа воситаларидан фойдаланилади.

3. Талабаларга таълим жараёнини ташкил этиш ва замонавий дарс ишланмаларини ишлаб чиқиш ўргатилади. Улар мактабларда амалий дарс ўтиш орқали тажриба ортирадилар.

Тарих ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёни бир неча босқичда амалга оширилади: назария ва методологияни ўрганиш жараёнида ўқитувчи бўлажак ўқитувчиларга тарих фани методологиясини чуқур ўргатади. Ўқитувчи бўлажак ўқитувчиларга тарих фани методологиясини чуқур ўргатиши деганда, уларга тарих фани ҳақида назарий ва амалий билимларни чуқурроқ етказиш жараёни тушунилади. Бу жараёнда таълим фақат фактлар ва воқеаларни ўрганиш билан чекланмайди, балки талабаларга тарихий маълумотларни танқидий таҳлил қилиш, манбалар билан ишлаш ва уларни баҳолаш каби илмий методлар ўргатилади. Педагогик амалиёт жараёнида ўқувтарбиявий жараённи ташкил қилишда, дарс ўтиш услублари ва таълим воситаларидан фойдаланиш амалиёти ташкил қилинади. Тарих фанини ўқитиши методологиясини ўрганиш жараёнида услугбий тафаккурни шакллантириш қуйидаги асосий фаолият давомида типик ва ўзига хос ўқув-услубий вазифаларни ҳал қилишни изчил ўрганишни ўз ичига олади: аналитик, семантик, моделлаштириш, лойиҳалаш, конструктив. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ўқитувчи иши самарадорлигининг яхлит кўрсаткичи унинг фаолияти ва ижодий мустақиллигининг энг юқори шакли сифатида тушунилган услугбий маданият бўлиши мумкин, бу янги услугбий ғоялар пайдо бўлиши ва уларни амалга ошириш йўллари учун зарур шартдир[6].

ХУЛОСА. Демак, кластер тизимининг самарали жорий этилиши келгусида таълим тизимида ракобатбардош мутахассислар тайёрлаш имкониятини яратади. Касбий ва педагогик фаолият келажакдаги ўқитувчининг шахсини белгилайди. Ўқув жараёнини ва унинг иштирокчилари ўртасида ҳамкорлик

алоқаларини ўрнатиши таълимдаги муаммоларни ижобий ҳал қилишга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулгалимов Г.Л. Модель готовности современного учителя к профессиональной деятельности // Стандарты и мониторинг в образовании. 2009. № 5. С.44-47.
2. Большакова З.М. Формирование умения определять цель и задачи учебного занятия у будущих учителей с помощью алгоритмов и эвристик: Дис. . канд. пед. наук.-Челябинск, 1992,- 192 л.
3. Большакова З.М. Эвристики и алгоритмы как средства формирования умения определять цель и задачи учебного занятия // Вестник ЧГПУ. Серия 5. Личность. Труд. Экономика. Образование.- Челябинск: Изд-во ЧГПУ Факел, 1995,- С.134-150.
1. Сластенин В.А. Целевая исследовательская программа Учитель: Поиски, находки, потери // Теория и практика высшего педагогического образования,- М.:Изд-во МПГУ, 1992,- С. 18-29.
2. Ilmurodova F. Sh. pedagogical and methodological aspects in preparing future history teachers for professional activity //Web Of Teachers: IndersScience Research. – 2024. – Т. 2. – №. 6. – С. 263-270.
3. Рахмонов Ж.К. Международные правовые средства обеспечения международной безопасности //pedagogik islohotlar va ularning yechimlari. – 2024. – Т. 6. – №. 2. – С. 331-334.
4. Илмуродова Ф. Ш. Давлат институтларини рақамлаштириш инсон фаровонлигини таъминлашнинг истиқболлари //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 4. – №. CSPU COnferenCe 1. – С. 678-681.

